



# O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan  
chiqa boshlagan

ADABIY-BADIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

№ 53 (4555)  
2019-yil 28-dekabr

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ТУБ БУРИЛИШ ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА

Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг илк кунларидаёқ юртимизда кадрлар муаммоси борлигини қайд этган эди. Кўп ўтмай бу масалани таг заминидан ўрганиш ва ҳал этиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида кенг қўламли ислохотлар бошланди.

Аввало, мактабгача таълим тизими ривожлантирилиб, пойдевор мустаҳкамланди. Ўқув даргоҳларига, педагогларга эътибор кучайди. Олий таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Бу тизимларни 2030 йилгача ривожлантириш бўйича концепциялар ишлаб чиқилди.

Билими болаларни аниқлаб, чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш, талаб юқори бўлган соҳаларга йўналтириш мақсадида ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактаб шундай таълим масканларидан бирidir.

Маълумки, VIII-IX асрларда яшаб ижод этган улут аллома Мухаммад ал-Хоразмий математика, геометрия, астрономия, тарих, география ва бошқа фанларга доир кўплаб рисолалар ёзган. У “ноль” рақамини ва ўнлик санок тизимини ҳамда кўтлар координатларини биринчилардан бўлиб асослаб берган ва амалиётга татбиқ этган. Мухаммад ал-Хоразмий алгебра фанига ва алгоритмлаштириш назариясига асос солган, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиққан.

Ўнлик санок тизими, алгебра ва алгоритмлаштириш йўналишларида дунё илм-фани ривожига ҳизматлари умумэтироф этилган Шарқ олимлари орасида фақат Мухаммад ал-Хоразмийнинг асарлари ва номи илмий давраларда фаол қўллаб келинаётган “алгоритм” ва “алгебра” каби замонавий илмий ата-маларда абадийлаштирилди. Бугунги кунда юқори технологияларга асосланган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бажарилаётган барча ҳисоблаш амалларига буюк олим Мухаммад ал-Хоразмийнинг илмий кашфиётлари асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили мазкур мактаб курилишига доир лойиҳалар билан танишган эди. Яқинда пойтахтимиз Тошкентда ушбу замонавий даргоҳ фойдаланишга топширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 27 декабрь куни ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган ушбу билим муассасаси билан танишди.

Мактабда кенг шароитлар, фан кабинетларидан ташқари дарслар ҳамда факультатив машғулотларни инновацион усулларда ўтиш учун қўшимча имконият-

лар яратилган. Artel, UCell, ZTE ва Huawei компанияларининг махсус синфлари очилган.

Шавкат Мирзиёев ушбу синфлар, бу ердаги шароит, асбоб-ускуналар билан танишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

— Ҳамма ишларимиз, ислохотларимиз Ўзбекистоннинг эртанги кунини учун. Келажакимиз замини эса — сиз, ёшлар. Кўзларингиздан кўриб турибман: сизлар билимли, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишасизлар. Бунинг учун ҳамма шароитларни яратиб берамиз, — деди Президент.

Мутасаддиларга шу каби илғор бинолар андозаси асосида мактабларнинг қурилиш лойиҳаларини ўзгартириш, методологияни мустаҳкамлаш орқали таълим сифатини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

— Ал-Хоразмий бобомизнинг тафаккурига дунё ҳамон қойил қолади. Бугунги технологиялар, дастурий маҳсулотларга у яратган алгоритм асос бўлган. Сиз бундан фахрланишингиз, буюк аждодимиздек кунт билан ўқиб, доим изланишингиз керак, — деди давлатимиз раҳбари ёшларга қарата.

Мактабда ўқувчилар замонавий мобил ва компьютер дастурларини ўрганиши, ўз устида ишлаб, тажриба ошириши учун робототехника ва электроника хоналари, инновацион ва виртуал лабораториялар ташкил этилган.

Президент ушбу билим даргоҳида Мирзо Улугбек туманидаги IT-парк бўлинмасини ташкил этиш, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам шундай марказлар очиб, бу соҳага қизиққан ёшларга кенг шароитлар яратиш зарурлигини таъкидлади.

— Ахборот-коммуникация технологияларини яхши билган бола кўчада бекор юрмайди, нима биландир машғул бўлади. Ёшларимизни шундай билимли мутахассислар этиб тарбияласак, оиласига, давлатга нафи тегади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йилда мактабнинг 5-11 синфларига 680 нафар ўқувчи математика ва чет тили синовлари асосида қабул қилинди. Педагогик жамоага Буюк Британия, Жанубий Корея ва Ҳиндистондан ўқитувчилар жалб этилган.

Шундан сўнг Президентимиз Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактаб конференц-залида ёшлар билан учрашув ўтказди.

Йиғилишни видеоконференца қолақ шаклида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ёшлар, мутасадди раҳбарлар кузатиб борди.



Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги



## ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА БАРҲАЁТ СИЙМО

Бу йил мамлакатимизда миллатимизнинг қиёфаси, табиати, борлигини борича акс эттирган, Ватанини озод кўриш истаги билан яшаган, умрини шу эзгу мақсадга бағишлаган буюк адиб, ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Сана муносабати билан пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида адабий-бадий хотира кечаси бўлиб ўтди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият фидойилари, адабиёт, санъат, маданият соҳаси намояндлари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар, кенг китобхоналар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожидин Сайид, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбой Каримов, қодирийшунос олим Баҳодир Каримов, Абдулла Қодирийнинг невараси Хондамир Қодирий миллий адабиётимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, маънавият, маърифат, маданиятга, сўз санъати равақига хурмат-эҳтиром билан эътибор қаратиш Президент Шавкат Мирзиёев

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи олдида ижод мактаби ва музей барпо этилди. Мазкур бинога “Турон” кутубхонаси ҳам жойлаштирилди. Бокка кирверилда буюк Ёзувчи хайкали ўрнатилди.

Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза кўчасидаги ижодкор яшаган хонадонда Абдулла Қодирий уй-музеи очилди. Бу ерда ҳам адиб хайкали қад ростлади. Хайкалтарош Баҳром Норбоев адибни бир қўлда китоб туган холда ўйчан, мулоҳазага берилган тарзда тасвирлагани унинг таъсирчанлигини янада оширган.

— Президентимиз ташаббуси билан бу ховли янада обод масканга айланди, — деди Ёзувчининг эвараси Махзу-


Хайридин Султонов давлатимиз раҳбарининг бу эзгу ташаббуси адабиёт фидойилари, миллатимиз жонқуярлари учун ғоят қувончли воқеа бўлганини алоҳида эътироф этди.

Абдулла Қодирийнинг бундан юз йиллар аввал “Биз янги даврга оёқ қўйдик. Бас, биз хар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз” деган гапи Президентимизнинг бугунги халқчил ислохотларига нақадар ҳамоҳанг, дозарб эканини вақтининг ўзи очик-ойдин намоян этмоқда.

— Қодирий ижоди билан салкам чорак асрдан буён шугулланаман, — деди тадбирда сўзга чиққан Баҳодир Каримов. — Бугунги кунда нафақат халқимиз, балки хорিজликлар ҳам Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарини севиб мутолаа қилади. Бу роман жаҳон адабиёти дурдоналари сирасига кирувчи ғоят бетақрор асардир. Қайгулар ва туйгулар романи. “Меҳробдан чаён” асари ҳақида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Ёзувчининг асарлари тасвир жозибаси, ғўзаллиги, миллий руҳи, ҳаётийлиги билан аҳамиятлидир. Жулқунбой талласи билан ҳам ижод қилган устоз ўзбек кулгу адабиётининг мактабдори эди. У куллириб йиғлатар, йиғлатиб куллирдирди. Қодирий асарлари аллақачон дунёга чиқди. Ижодкор куллирдан маънавий мерос келажакка ҳам хизмат қилади.

Тадбирда “Ўткан кунлар” романининг “Бахт ва бахтсизлик” боби асосида суратга олинган “Ой шуъласида...” фильми намойиш этилди. Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчилари шоир ҳаёти ва ижоди, унинг миллий адабиётимиз равақига қўшган ҳиссаси ҳақида шеърлар ўқиди. Пойтахтдаги бир қатор театр жамоалари адиб асарини асосида сахналаштирилган спектакллардан лавҳалар намойиш этди. Таниқли ва ёш ижрочилар куй-кўшиқлар айтди.

Уй-музей очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, таниқли адиб



томонидан жамият ҳаётида кечаётган ислохотларда устувор ўрин эгаллашни таъкидлади.

Куни кеча Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи олдида барпо этилган буюк адиб номидаги ижод мактаби ва музейга таширф буюрганида, шу ерда Ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар билан мулоқот чоғида ҳам бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди.

## ИЛМ — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Бугун дунё мамлакатларининг буюклиги ва илғорлигини белгиловчи мезонлар тубдан ўзгариб кетди. Миллий ютуқлар, сиёсий тизимнинг афзаллиги, халқлар ва уларнинг йўлбошчиларига қўйилган талаблар ҳам ўзгарди. Нефть, олтин, руда, газ каби хомашёлар очик бозордан эркин сотиб олинади. Бинобарин, энди булар ҳам мамлакат илғорлигини кўрсатувчи омиллардан саналмайдиган бўляпти. Эндиликда фуқароларнинг фаровон ҳаёт тарзи ва юксак технологиялар яратилишига қодир илм-тафаккур даражаси асосий аҳамият касб этаётди.

Президент Шавкат Мирзиёев мазкур муҳим омилларни таъкидлаб, илм-фан тараққиёти учун зарур шароитлар яратиш, олим ва педагогларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Республика фан ва технологиялар кенгашини ташкил этиш, импорт ўрнини босадиган ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган илмий ишланмаларни кўпайтириш, илмий маҳсулотларни бозорбоп қиладиган маркетинг тизимини ташкил қилиш, илмий муассасаларни тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиялаштиришга ўтказиш, илмий мактаблар яратиш, нанотехнологиялар, материалшунослик, яримўтказгичлар физикаси, биофизика

ва биохимия, биотехнологиялар бўйича олимлар авлодини шакллантириш каби кўплаб масалалар юзасидан ташаббуслари соҳа вакиллари катта имкониятлар яратмоқда.

Юртимизда ядро физикаси ва ядровий технологиялар соҳасида тадқиқотлар олиб борувчи ноёб институт фаолият кўрсатади. Бугун кўпгина давлатлар ана шундай илмий даргоҳ яратиш йўлида катта саъй-ҳаракатлар қилаётган бир пайтда бизда бу соҳада салохиятли илмий жамоа мавжудлиги, унинг дунё илмий ҳамжамияти томонидан тан олингани давлат ва миллатимизнинг улкан ютуғидир. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги қарорини эълон қилинди. Унда, жумладан, мазкур соҳада иктидорли ёш олимларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳақида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Ушбу институт илмий ходими Асрор Нормуродовнинг докторлик диссертацияси химиясида қатнашиб, худди “Алпомиш” дostonини тинглагандек завқланиб, катта таассурот олиншини ўйламаганлик. Илмий анжуман давомида Президент Шавкат Мирзиёевнинг, “Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларни мақсадли тарбиялаш борасидаги ишларни кучайтириш керак. Илмни, тарбияни тўғри қилсак, ҳамма соҳаларни малакали мутахассислар ўзлари ривожлантиради”, деган сўзлари замиридаги теран ҳақиқатни яна бир қарра англадик...

Фан оламига ёш олимнинг кириб келиши-ю, унинг “тан олинishi” қандай жараён? Фандаги янгилик муҳокамаси қай тарика кечади? Диссертация химияси олдиндан ҳаёдан ана шундай саволлар кечади.



# ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ТУБ БУРИЛИШ ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-саҳифада

Кейинги йилларда Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, Ёшлар масалалари бўйича республика идораларо кенгаши тузилди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилиб, 30 июнь Ёшлар куни этиб белгиланди. Хозирда Иттифоққа аъзо бўлган ёшлар сони 7 миллион 690 минг.

Бугунги кунда барча соҳаларда билимли, сиёсий ва ижтимоий фаол, халқ манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўядиган, ҳалол ва жонқур ёш раҳбарларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Дунёкараши кенг, креатив фикрлайдиган, муаммоларни вазиятларда тўғри қарор қабул қила оладиган ёшлар масъулятни вазифаларга тайинланаётти.

Жойларда 8 нафар ёш авлод вакиллари ҳоким ўринбосари этиб тайинланган. Яқинда бўлиб ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига

9 нафар йигит-киз сайланган, маҳаллий кенгашларда галаба қозонганларнинг қарийб 10 фоизини ёшлар ташкил этади.

Бундан ташқари, давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида жонбозлик кўрсатиб, мамлакатимизнинг халқро обрў-эътиборини юксалтиришга ҳисса қўшаётган 84 нафар ёшлар “Мад ўғлон” давлат мукофоти ва “Келажак бунёдкори” медаллари билан тақдирланган.

— Ёшлар орасида “Мен Сизнинг ёнингизда туриб, камарбаста бўламан!” деб кўзи ёниб турган, билимли, жасоратли йигит-кизлар борлигига ишонаман. Етақчиликнинг, ўз ордидан эргаштиришнинг энг тўғри йўли шахсий ўрнатма ва намуна бўлишидир, — деди Президент.

Учрашувда ёшлар ҳаётидаги муаммолар, долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Юртимизда ёш раҳбарларни саралайдиган, уларнинг лаёқатига мос лавозимларни тақдир этидиган самарали механизм мавжуд эмаслиги қайд этилди.

— Раҳбарлик лавозимларига ҳар томонлама муносиб, ташаббускор, менга таянч ва суянч бўла оладиган ёшларни жамлайдиган “Ватан ифтихорлари” институтининг жорий эътибори, сизлар нима дейсизлар, — деди давлатимиз раҳбари. — Бу институтининг асосий вазифаси ислохотларимиз ва катта режаларимизни ёшларга етказиш, жойлардаги муаммоларни кўтариш ва уларни ҳал қилишдан иборат бўлади.

Глобаллашув шароитидаги ҳавф-хатарлар ва мафкуравий хуржлар ҳақида сўз борар экан, Президент маърифатпарвар бобомиз Фитратнинг “Бу дунё кураш майдонидир. Соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон куралидир”, деган сўзларини ёдга олди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ва бошқа раҳбар-

лар ёшлар сиёсати масаласига эътиборни янада ошириши лозимлиги қайд этилди. Жумладан, жамиятда ёшларнинг роли ва обрўсини кўтариш, уларга қулай шароит яратиш, ёшлар ташкилотлари орқали ёш авлод муаммолари ичига чуқурроқ кириш ва уларни ҳал этиш зарурлиги таъкидланди.

— Ҳар бир ҳоким, туман ёки вилоят ҳокими бўлишидан катъи назар, сектор раҳбарлари билан биргаликда ёшлар масаласини ўзи учун устувор вазифа қилиб олмас экан, жойларда бу борадаги ишларимизнинг натижаси самарали бўлмайди, — деди Президентимиз.

Аввало, “Ҳоким ва ёшлар” учрашувлари тажрибасини давом эттириб, ҳар ҳафтанинг бир кунини Ёшлар масалаларини ечиш кунини, ҳар 15 кунда икки кунни фақат ёшлар билан ишлаш кунини этиб белгилаш лозимлиги таъкидланди.

Ҳокимлар ва мутасадди раҳбарлар ёшларнинг муаммолари билан танишиб, ҳар ойда бир марта

маҳаллий кенгашлар сессияларида уларни муҳокама қилиши, халқ вакиллари ҳисобот бериши зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддилар ёшларнинг бандлиги, уй-жой таъминоти, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, таълим олиши ва касб ўрганишга бўлган талабни доимо ўрганиб, ечим топиши керак. Ёшлар мурожаатларини қайд этиш ва тахлилини юритиш масалаларига алоҳида эътибор бериб, аниқ чоралар кўриши шарт.

Учрашувда Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг ҳар бир йўналишини туман ва шаҳарларда тизимли амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Ўтган йили мамлакатимизда буюк аллома Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Ёш математиклар халқаро олимпиадаси муваффақиятли ўтказилган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу тажриба асосида физика бўйича Аҳмад Фаргоний, кимё

фани бўйича Абу Райхон Беруний, биология бўйича Абу Али ибн Сино, астрономия бўйича Мирзо Улуғбек номларидаги халқаро фан олимпиадалари ташкил этиш таклифини илгари сурди.

Ёшлар иттифоқи негизда Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этиш ташаббуси йиғилганлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ёшлар аудиториясига йўналтирилган теле- ва радиоканаллар, босма нашрларни бирлаштириб, “Ёшлар медиа холдинги” ташкил этиш таклифи ҳам билдирилди.

— Янги Ўзбекистонни албатта, ёшлар билан бирга қурамиз. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади, — деди Президент.

Очик мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Давлатимиз раҳбари уларнинг тақлифлари бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

ЎЗА

Бошланиши 1-саҳифада

Белгиланган вақтда Ядро физикаси институти мажлислар зали олиму фузалолар билан бўлиб ўтди. Илмий иш химоясига бағишланган анжуман очилиши эълон қилинди. Илмий кенгаш котиби докторантнинг таржимаи ҳоли билан тўпланганларни таништирди. Талабдорнинг шахсий маълумотлари юзасидан саволлар бор-йўқлиги билан кизикди. Қоникарли жавоб олган, сўз талабдор (докторант)га берилди. Маъруза учун йигирма дақиқа вақт белгиланди.

Илмий маъруза рус тилида бўлишининг чуқур сабаблари бор. Аввало, фаннинг бу соҳалари чет мамлакатларда туғилиб, ривож топган. Унинг деярли барча термин ва тушунчалари ажнабий тилларда шаклланди. Чет эллик олимлар тадқиқот олиб борган, фан қонуниятларини кашф этиб, табиий-

Маърузачи “илмий расмийчилик”дан биров чекинб, ўз фикрини ўзбек тилида тушунтира кетди. Асосийси — саволга батафсил ва қоникарли жавоб берди. Тўғри, балки бу тадқиқотда жузъий ҳатолар, муайян камчиликлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Тадқиқотчи, гўё майдондаги шижоатли ёлғиз суворийга ўхшайди. Шу бондан ҳаттоларга ургу берилган кўра, ёш олимни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадқиқотини мукамаллаштириш учун ёрдам кўрсатиш керак. Таниқли олимнинг қўққисдан берган саволини ана шу маънода тушундик.

Сўнгра маъруза яна давом этди. Очиги, ҳар бир жўмланга мукамал тушуниш, “магзини чаккиш” осон эмас. Масалан, “квантохимическое моделирование наноразмерных идеальных кластеров кремния, содержащих 29 и 38 атомов...” каби жумлаларни шу соҳада мутахассис бўлма-

танланган. Бугунги давр ҳар қандай мамлакат олдига нефть, газ, кўмир каби қайта тикланмайдиган энергия манбаларини тежаш, ресурсларнинг муқобилдан фойдаланган ҳолда иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш талабини қўймоқда. Жаҳоннинг барча мамлакатларида аҳоли шундай. Масалан, “қора олтин” саналмиш нефтьга бой Саудия Арабистони яқин йиллар ичида мамлакатнинг нефтьга боғлиқлигини қутулиш режасини эълон қилди. Ушбу режани амалга ошириш учун «2030 йил манзараси» деб номланган иқтисодий ислохотлар лойиҳаси маъқулланди. Унга кўра, 2030 йилга қадар нефть, нефть чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳалардан олинмайдиган даромадларни кескин ошириш мўлжалланган. Ана шу мақсад йўлида дастлабки беш йилнинг ўзидаяқ юқори натижаларга эришиш кўзда тутилган экан.

фанининг ўзига хос сўвровмаси, дейиш мумкин. Буни, албатта, қўллаб-қувватлаш ва олқишлаш керак! Ваҳоланки, бир “фан номзоди”дан “қолайдер” ҳақида сўраганимда, ҳайрат ила “у нима?” дея саволга савол билан жавоб берганди. Очиги, юртимизда ана шундай “олим”лар ҳам оз эмас...

Тўғри, “Моделлаштирилган кремний нанозарралари”нинг иқтисодий самараси дарҳол кўринмас, аммо бу соҳанинг улкан истиқболларини даврнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ўз даврида британиялик олим Майкл Фарадей ихтиро қилган электромагнит индукция қонуни ҳақида эшитган Британиянинг Молия вазири келиб уни кўради ва аппарат стрелкаси у ёқдан-бу ёққа боришида менга нима фойда бор, деб сўрайди. Олим эса, қанақа фойда бўлишини билмайману, лекин аниқ ишонаман, қачондир шунинг орқасидан солиқ олсан, дейди. Хозирда улкан даромадлар манбаи бўлган энг мукамал техника воситалар ишини Майкл Фарадей очган таъйинларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугунги бойлар, бой давлатлар ҳамда халқларнинг улкан даромади манбаи — юксак технологиялардир. Арзон ишчи кучи ва хом ашё экспортини гапирмасам ҳам бўлади, бугунги кунда, хатто тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳам дунёда юксак инновацион технологиялар экспортга асло тенглаша олмайдди. Технологияларни тафаккур яратди. Тафаккур эса фикр айланган жамиятда ривожланади. Ўз навбатида, фикр айланishi оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошди...

Физик-кимёвий жараёнлар ёки мураккаб тригонометрик функциялар ҳақида бўладими, хатто хорийжий тилда баён этилса-да, ўз юртинг олимлари суҳбатидан баҳраманд бўлиш — ёқимли, мароқли. Ёш илм толиби ўз тадқиқоти химояси учун майдонга чиқса, фозилу фузалолар, аллома устозлар жам бўлишса, қизгин илмий мулоқот, баҳс-мунозаралар кечса! Файзли илмий мажлислар ўтказиши — бизга бобоморса аъна, қонимизда бор. Илмий издиҳомларда Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Фаргоний, Шоший, Насафий... каби улуг боболаримизнинг овозлари эшитилгандек, руҳлари шод кезгандек бўлади!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Агар биз илмга асосланмасак, ҳақиқий ривожланиш бўлмайди”, дея қайта-қайта тақдорлайдилар. Жумладан, 2019 йилнинг май ойида Ўзбекистон Миллий университетида илм-фан ва олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросига бағишланган йиғилишда шундай дегандилар: “Бу ишлардан асосий мақсад, мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш. Қолаверса, ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат олиш учун ҳам инновациялар керак. Шу бонс илм-фан тараққиётининг муҳим йўналиши, таянчи бўлади”.

Бахтиёр ХАЙДАРОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси

## БУЮК АДИБГА ЭҲТИРОМ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида адиб таваллудининг 125 йиллигига бағишланган “Абдулла Қодирий ва ўзбек адабий тили” мавзусидаги илмий конференция ўтказилди.

Конференцияда Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори Низомиддин Махмудов, академик Нам Каримов, Озарбайжон Миллий Ёзувчилар бирлиги драматургия кенгаши раиси Фироз Мустафо, Қирғизистон Республикаси Миллий Ёзувчилар уюشمаси бошқарув кенгаши аъзоси, шоир ва таржимон Бегижон Аҳмедов, филология фанлари доктори Сувон Мели, филология фанлари доктори, Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, филология фанлари доктори Баҳодир Қарим адиб ижодий фаолияти, ўзбек тили ва адабиётига қўшган ҳиссаси мавзуларида маърузалар ўқишди.

Абдулла Қодирий бундан бир аср илгари: “Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар” деган сўзларни баралла айтган эди. Бунинг исботи ўларок, бугунги ўзбек ёзуви-шоирларининг зиммасидаги улкан вазифа — шу тилда асларга татигулик, ўлмас асарлар ёзиб қолдиришдир. Анжуман доирасида экспозиция ва адиб китобларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

## ПОКИСТОНЛИК МУҲАРРИРНИНГ БАҲОСИ

Покистон Ислום Республикасида чоп этиладиган “Иттиҳод” газетаси бош муҳаррири ҳамда “Халқаро тинчлик” журнали муассиси Тоҳир Форук Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمасида бўлди. Мехмонлар Уюшма жамоаси, “Ёшлик”, “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи”, “Звезда Востока” журналлари тахририятлари ҳамда “Ижод” жамоат фонди ходимлари билан қизгин суҳбат қуришди.

“Ижод” китоб дўкони билан танишув ҳам мехмонларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Ёзувчилар уюشمаси томонидан Чингиз Айтматов, Матёқуб Қўшқонов, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Тоғай Мурод каби шоир ва адибларнинг сайланма китоблари чоп этилганини билиб: “Сизлар яхши ишлар қилаётган экансизлар. Бизда бундай имконий йўқ”, дея эътироф этишди.

Мехмонлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси раиси Сироҷиддин Саййид ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси раиси Сабдулла Ҳаким билан учрашиб, адабий, ноширлик ҳамда журналистика соҳаларида алоқаларни йўлга қўйиш хусусида мулоқот олиб боришди. Тоҳир Форукка Абдурахмон Жомийнинг ўзбек тилидаги “Муҳаббат маҳзани” китоби, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг инглиз тилига таржимаси, ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этилган “Темурийлар тарихи давлат музейи” китоблари совға қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси ахборот хизмати

# ИЛМ — ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

ки, уларга ўз тилида ном ва изоҳ беришган. Мустамалак даврида, қолаверса, ўтган чорак аср ичида ҳам бошқа соҳалар каби тилимизга бўлган лоқайд муносабат — ўзимизга маълум...

Ўзбек олимлари энди-энди бу илмларни баҳоли қудрат, чуқурроқ ўзлаштиришга киришмоқдалар. Бинобарин, бу каби фанлар бизнинг олимлар учун қай жихатдандир, очилмаган кўрик, дейиш мумкин. Боз устига, бу кўрикни очиб, ўрганиш, ўзбек фани ва давлатимиз манфаатлари йўлида ўзлаштириш харакатлари хануз жуда суст. Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йили Ядро физикаси институти олимлари билан учрашувда айтган фикрлар беихтиёр эсга тушади. Юртбошимизнинг: “Ўтган чорак аср мобайнида бирорта илм-фан йўналиши бўйича бизда ўзгариш йўқ, бирорта фан йўналиши бўйича мактаб ярата олмадик”, дея қуюнчаклик билан айтган сўзлари нафақат илм аҳлининг, балки ҳар бир ўзбекнинг, юртдошларимизнинг юрагидаги дардлардир. Шу маънода, ёш олимнинг бугунги тадқиқоти ўзбек фани учун катта журъат, хатто ютуқ, дейиш мумкин.

Ибн Сино ва Беруний замонида халқаро илм тили араб тили бўлган. XX аср бошида бу мавқега немис тили эга чикканини биланмиз. Альберт Эйнштейн нисбийлик назариясини немис тилида ёзган. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан кейин вазият ўзгарди ва инглиз тилининг маъкеи ошди. Бугун бизнинг мақсадимиз — дунёнинг қайси тилида бўлмасин, энг замонавий илм ютуқларини ўзлаштириш, уларни давлат ва миллатимиз манфаатларига йўналтиришдан иборатдир...

Беш-ўн дақиқалардан сўнг, маъруза анча раво йўлга тушган паллада катта бир олим тўсатдан маърузачини бўлиб, рус тилида савол ташлади:


— “Более надёжно...” деган иборани қандай тушуниш керак? Ахир, фанда “более-менее” деган тахминий тушунчалар йўқ, ҳаммаси аниқ бўлиши шарт!

ган киши англаши мушкул. Шунга қарамадан, ёш ўзбек олимнинг фундаментал мавзудаги илмий маърузасини эшитишнинг ўзиёқ мароқли. Чунки фундаментал билимларсиз амалий ва инновацион фикрларни тасаввур қилиш мумкин эмас. “Нанозарралар”, “кванткимё”, “компьютер моделлаштириш”, “димеризация”... каби терминлар дунё фанида кўпдан бери мавжуддир, лекин ўзбек фани майдонларида бу тушунча ва терминлар янграй бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шу бондан мазкур илмий ишни бугунги юксак технологиялар оламига кириш учун дадил ва жиддий даъво, дея баҳоламоқ ўринли. Бизда назимий тафаккур азалдан юксак, шоирларимиз ўша мураккаб илмий терминларни-да арузга солиши чўт эмас! Мана, Ядро физикаси бўйича таниқли олим Ирсади Хидиров битган мисралар:

**Кимларнидир қизиктирар**  
нур шажараси,  
**Кимларнидир мафтун**  
этган квант манзараси.  
**Кимдир мудом кристалл**  
ичра сайр айлайди,  
**Асир этган кристалларнинг**  
зўр панжараси!

**Кеча-қундуз кайнар бунда атом қозони!**  
**Бизлар олган изотоплар ютук мезони!**  
**Тинчлик учун хизмат қилиш**  
олимлар аҳди —  
**Гамма нурлар, нейтронларнинг**  
дафлдр зиёни!

Асрор Нормуродовнинг “Моделлаштирилган кремний нанозарраларининг тузилиши ва электрон хусусияти” номли мазкур тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги” устувор йўналиши доирасида бажарилган. Номидан ҳам аяққол аёнки, илмий иш учун юрт фаровонлиги ва илм-фан равақи учун долзарб йўналиш



“Хомашё ва уни қайта ишлаш билан узокка бориб бўлмайди”. Президентимизнинг олимлар ва тадқиқотчилар билан учрашувда айтган ушбу хулосасидан яқин келгусидаги илмий тадқиқотлар учун катта дастур олиш мумкин. Юртбошимизнинг муқобил энергия турларидан фойдаланиш, бунинг учун тегишли шарт-шароитлар яратиш ҳақидаги фикрлари бевосита юртимиз муаммолари, келажакимизга дахлдордир.

Гарбда, Европада бу илмлар шиддат билан ривожланапти. Икки давлат ҳудудида жойлашган, диаметри 27 километрни ташкил этувчи Катта адрон коллайдери шу топда эсга тушади. Бу мўъжизавий қурилма дунё илми тарихидаги энг мураккаб, энг катта ва қимматбаҳо ускуна саналади. Асрорнинг тадқиқоти, таъбир жоиз бўлса, ана шу иншоотга кириш, шу лаборатория саҳнида дунё олимлари билан елкама-елка илмий тадқиқотлар олиб бориш учун ўзбек

Шодмонкул САЛОМ

ЮЛДУЗЛАРНИ ЮРАГИМДА ЧАРХЛАТАЙМАН



Ўзбекистон

Жаҳон харитасининг ранги минг бор алмашди, Тарих мундарижасин керак жойлари куйган. Қай замона аждодим орият деб талашди, Шунда у қадаган туг – ерни тўхтатиб қуйган. Юлдузларни музлатган заминдан сачраган қон, Ўзи пайдо бўлганмас биз суйган Ўзбекистон!

Ер сўфийдир, ер мурдир – ҳаммасини айтмайди, Тинглаб, англаб олмакка гоҳ сабримиз етмайди. Отанга ўхшар Ватан, сен ундан тўрагансан, Кечирар, кек сакламан, шунингдек, унутмайди. Лочиннинг тухумидан бойкуш чикмас ҳеч қачон, Ўзи пайдо бўлганмас биз билган Ўзбекистон!

Тақдир тарзисини адолат узра қурган, Ер остига олтинлар ерининг устидан борган. Бобомнинг орзулари армонлари айланган, Шулар армон ганжа дўниб, насибамни жамғарган. Бир жиламда ўн тўрт минг кўзи очик қатагон\*, Уларнинг нидосидир захматқаш Ўзбекистон.

Ха, ерининг остидадир тиллоларим, зарларим, Тарбиячи пирларим, ушлаб турган ўрларим. Тағин шунда ботиндир, шу Ватан остидадир, Пешонаси торларим, пешонаси шўрларим. Бул тупроқим сев, болам, таваф қилган хар қачон, Бу олдий тупроқ эмас – табарруқ Ўзбекистон.

Оломон эмас, халқ бўл, дея битмиш шоирлар, Элининг бахтин кўрса – рухлари шод ётирлар. Улуғ тоғларга қара – юракларинг улгайсин, Отаси ботир бўлмади тугилмас баҳодирлар. Орзу ҳам суяк сура, умидинг бўлсин омон, Шу халқнинг орзусидир безавол Ўзбекистон!

Кошки, шу шеърим билан аждод рухин шодладим, Хотираси панд берган замонларни ёлладим. Шом кирғоғида эдим, тонг соҳили кўринди, Бу тун қулдим, йиғладим, қувондилар долладим. Қандай ширин ухлайсан, болам, кўзинг оч, уйғон, Сени йўрқақлаётир оппоқ тонг – Ўзбекистон!

Ватан, меҳрингни узма, меҳрингдан тўймагунча, Кимлигинг билмас эдим, фарзанди суймагунча. “Она тупроқ” дейишни бир окжомда ўргандим, Бунча азиз эмасдинг, онамни қўймагунча. Кун сайин томилларим ботиб борғувчи бўстон, Шундай бино бўлгандир она юрт – Ўзбекистон!

Декабрнинг тугаши қизик, Декабрнинг тугаши қийин. Кўкрагимда уйғонган орғик Ҳаётимни қилмоқда ўйин.

ЎЗИМИЗ САБАБЧИМИЗ

Уй юмушларини бажараётиб одатимга кўра радиони қўйдим (101.0 Ўзбекистон таронаси). “Вно Мароканд” гуруҳининг “Яккасаройда” таронаси премьераси бўлаётган экан. Ижродан сўнг журналист радиотинловчиларнинг фикрлари билан кизикди. Бир сўз билан айтганда, “Яккасаройда” ҳаммага ёқди... Ҳаммага ёққан кўшиқнинг матни эса бундай эди:

– Ман шўх боламан, Билсанг ман сани севаман. Ман ойм билан совчилкка борамиза, Чорсу бозоридан битта атиргулни оламиза. Манзилгинг биламан, яшайсан Иппадромда. – Адашасиз, уйим Яккасаройдаги домда...

Ана матну мана матн. Буюк тарихимиз, тенги йўқ маданиятимиз билан оламга мактанамизу кўча гапларини хар оханга солиб, кўшиқ деб тинглаб қорамиз. Ёки Зоҳиршоҳ Жўраснинг “Да, да, да” сиздан кейин “хит” даражасига етган “Ха, ха, ха” си:

Ха, ха, севаман ман, Ха, ха, ха, ёнаман ман, Ёнингга борсам айтаман ман Такрор-такрор: ха.

Бундан-да “ажойиб” матнлар кам эмас. Муниса Ризаева “Бир нима де”, “Божалар” гуруҳи “Машина”, Лола “Севингни менга айт”, Жаҳонгир Отажонов “Жингаламо” ва ҳоказолар.

Аслида ҳақиқий тарона қандай бўлади? Миллий ўзбекона оҳанг, мукамал шеър ва юксак савиядаги мусика уйғунлигидаги кўшиқ маҳоратли хонанда томонидан ижро этилиши керак! Бугунги кунда эса бир-иккита гап, орқа фонга “тарам-турум” ва компьютер дастури орқали ишлов берилган ижро.

Бу борада ижрочиларга эмас, “сунъий тухум ютаётган” тинловчиларга мурожаат қилмоқчиман. Чунки хар бир нарсалабдан келиб чиққан ҳолда яратилади, жумладан, мусика ҳам. Кийинки танлаб киямиз, овқатни танлаб еймиз, танлаб маҳсулот харид қиламиз, агар у ярқисиб бўлса, жаҳл отига миниб, сифатсиз маҳсулот сотгани учун сотувчининг ёқасидан оламиз. Аммо нима учун мусикани, кўшиқни танлаб тингламаймиз?! Сўнгги йилларда маъноли ва тайинли кўшиқни топиш анча мушкул бўлиб қолганига ўзимиз ҳам сабаби эмасмики?

Шаҳрибону ФАРМОНОВА

Тун умримдан узунга ўхшар, Фалак амри кўп ишга қодир. Изтиробу қувонч аралаш Ёмғир ва қор берди декабрь.

Йил — дехқондир, ҳосил кўтарган, Кутганидек бўлдимикан чош. Юрагимга туйғу жамғарган Сал нарида турибди қирқ ёш.

Айик, бўри, қуён ва буғу — Никобларни ташиб келаман. Ўғлим, қизим кетар севиниб, Қорбобога ўхшаб қоламан.

Уйдан ишга, ишдан сўнг ўйга, Борлигимни ташлаб кетаман. Севги кесиб ўтар йўлимни Худойим, нетаман, нетаман?

Бойсундаги азиз даштларда Бир захматқаш сафарларим бор. Қумқўрғонда отамга ўхшаб Кутаётган сабрлар бисёр.

Декабрдан умидим кўлдир, Кечаларни юриб ўтаман. Юрагим чўғ, вужудим чўлдир, Мен фақат яхшилик қутамаман. Мен фақат яхшилик қутамаман.

\*\*\*

Ҳали сенинг юзларингдан доғлар кетар, Кетар менинг кўксимдаги ғуборлар ҳам. Ҳали сенинг тушларингга ой ёритар, Оқ турнадек учиб келар хабарлар ҳам.

Ахир ҳали осмон борин айтгани йўқ, Замин ҳали бергани йўқ бор меҳрини. Ҳали офтоб ўз сўзидан қайтгани йўқ, Шоир ҳали ёзолмади зўр шеърини.

Ҳали дунё киприк қокмай жим турибди, Ҳали меҳмон бўлолмаган туйғулар бор. Болаликнинг тушларида яшаётган, Адолатли кўзёшлар бор, қулғулар бор.

Жангга кетган ботир каби бўз тўлкинлар, Дарёғ гувоҳ соҳилига қайтгани йўқ. Соғинч ҳали бу дийдорга тайёр эмас, Интиқ қутган лекин буни қутгани йўқ.

Ҳали умид йўл четида ўлтирибди, Мен бу йўлнинг хар бир томин шарҳлаганман. Ғаму шодлик тенглашганда кўкка учган, Юлдузларни юрагимда чархлаганман.

Кўрдим, сенинг кипригининг соясида, Қирқта малак қокил тарар нигоҳи чўғ. Шеър келяпти изтироблар воёсида Энди ёнгни, яшамокнинг иложи йўқ.

Зўр сукунат Парвардигор хузурида, Юрак – вулкон, еру само бир титрайди. Англаб қолдим, шу лаҳзада англаб қолдим, Қиёматда шоирлардан шеър сўрайди.

Шоир

Кўллариң бунча совук, Бир лаҳза тинасанми? Дунё – бир тоғора чўғ, Шунга исинасанми?

Липиллаб ўчиб борар, Кўксимга кўчиб борар. Тўнгиб қолган оламда Сўнгги бор ёнасанми?

Эй дўст, бошингни тик тут, Сотилмасни сотмагин. Бедиллар кemasида У соҳилга кетмагин. Яшаш ҳам зўр иш эмас, Қаҳрамонликмас ўлим, Кўп қатори бўлдингми, Шунга қувонасанми?

Чумолининг инидан Дон ўғирлаб бой бўлган. Сенинг гулдай кўнглинга Кир кўллари узалган. Кўёшга тил чиқариб, Шамолни шалок қилган, Кўп худоди касларни Қайғуриб ёнасанми?

Танишинг йўқми Марса, Қўёшга йўқми уллов? Муз нигоҳлар тағтидан Кўксимга кетган олов. Қанотинг борлигини Сизгани йўқми биров. Ўзинг ҳам билмагaysан, Билмоқни истамайсан, Истамоқни билмайсан, Ёлғонми, тонасанми?

Менинг оғим толди, Қуйиб битди қанотим. Юрак деворларига Урилиб қайтар долдим. Суваракка шерь айтиб Тугаб борар саботим. Яшаш дегани шуми, Наҳот, шуми ҳаётим?! Ўлмай туриб ўлдингми Наҳотки, кўнасанми?

Арзимди бу дунё, Билганимда келмасдим. Уйку дори бер, Худо, То рухим уйғонмасин. Елкамдаги кўзларим Ловулдай бораётир. Ёлдим ўлолмаганман, Қуйим, ишонасанми?

Юрак деган тўлғорда Жилонни узиб келдим. Майхона! Ҳўжанг қани? Аҳдимни бузиб келдим. Доғулилар даврасин Кўзин шамғалати этиб, Қўлим муз, ўзим эса Ўт бўлиб кизиб келдим. Танграм, қарамай тургил, Шунини ичиб юборай, Пули Сиротга тойсам, Ушлаб қололасанми? Дунёнг ўчиб қолган чўғ, Шунга ишонасанми?!

\* Шаҳидлар хиёбони жойлашган манзил назарда тутилмоқда. Бу жойида 14 миңдан зиёд юртодошимиз қатл этилган.

Яқинда китоб дўконидан “Жаҳон бестселлерлари” (аслида “Жаҳон”, деб ёзилиши керак) рукни остида “Book media nashr” нашриётида чоп этилган “Лев Толстойнинг энг сара асарлари” (масъул муҳаррирлар Шариф Холмурод, Ғайрат Эрназаров, муҳаррир Шариф Холмурод) китобини сотиб олдим. Китобга “Икромнома”, “Ҳожимурод”, “Кавказ асири” ҳамда “Оилавий бахт” асарлари киритилган.

ТОЛСТОЙ ЎЗБЕКЧА ЁЗГАНМИ?

“Кавказ асири” ҳикоясини 4-синф пайтимда ўқиганман. Сарлавҳани ўқиб-қоқиб хикоя қаҳрамони кўзим ўнгига тавдаланди. Жилин! Онасининг мактуби ила йўлга отлашиб кўмиклар кўлига тушган шўрлик Жилин асирида азобини бошдан кечиради. Меҳрибон қизча Динанинг кўмаги ила чохдан қутулиб, қочишга муваффақ бўлади.

Китобдаги илк асар – “Икромнома”га энгил кўз югуртирдим. Мукаддам ўқиганман. Афсуски, китобдаги бирор асарнинг таржимони исм-фамилияси ёзилмаган. Муқоваларнинг олд-ортига қарайман: йўқ! Балки мундарижада ёзилгандир: яна йўқ. Китобнинг охирида Лев Толстой сурати ва унинг қискача таржимаи холи берилган. “Лев Николаевич Толстой дунё тан олган энг қучли ёзувчи ва файласувдир...” деган ёзувларига кўзим тушиб ажабландим. Файласуфми ё файласув?! Бунга ҳам чидадим. Ўзим соғинган “Кавказ асири” ҳикоясини ўқий туриб бошим гангиди. Нима бўлапти, дейман ўзимга. Алаҳсирамайтманми?! Жумлалар маст кимсанинг алжирашидай пойинтар-сойинтар. “Хўжайин” сўзи “хўжайин” деб ёзилган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га қарадим: “хўжайин” деб берилган. “Хўжайин” сўзини “хўжайин” дея тўғрилаб кетавердим. Бу сўз юз мартача ишлатилган экан. “Вох!” дея ёқамни ушладим. Ўқиб жараёнда яна имловий хатоларга тез-тез қоқила-вердим. Мана бу жумлаларни қаранг: “Кечасига кишанларини ечим, омбор-хонага қамашган. “Кечасига...” эмиш. “Кечаси” деб қўяқолса, бўлмайдими. Ёхуд “Костилинни ортига миндириб...” Кискагина қилиб “ортмоқлаб” деб қўй, шоввоз! “Жилин қиз бошидан силади”. “Хар замон ой чиқадиган шафқакка қараб қўяди”, “Тоғ остида қора соя ўрмалаб, у томон кела бошлади”. “Тоғларда тинч ёруғ, худди ҳамма ёқни ўлим шарпаси қоплагандай...” Китоб этни жуниқитирадиган жумлалар билан тўлиб-тошган.

Энг қизиғи, китобдаги бирор асар таржимонининг исм-фамилияси келтирилмаган. Китобни варақлаб чиқиб таржимонни тополмадим. Ёпирай, наҳотки Толстой бу асарларини ўзбек тилида ёзган бўлса?! Ҳамкасбимга китобни узатиб: “Қараб чиқинг-чи, балки мен таржимоннинг исм-фамилиясини тополмагандирман”, дедим иккилаштириб. У ҳам китобни эринмай титклади: “Сиз ҳақсиз”, деди.

Ҳой биродарлар, нима бўлапти ўзи? Бу ноширлар қаёққа қарашапти? Шўро замонида акам (раҳматли Назар Шукр) пойтахтдаги нашриётлардан бирида корректор бўлиб ишларди. Бир кун ижара уйига қалин қоғоз папкада кўлёмаларни олиб келиб туни билан ўқиб чиқди. “Шу зарури сизга?” дегандим, “Тўртта имловий хатога йўл қўйсан, маошимнинг 30 фоизи қирқилади, 120 сўм ўрнига 90 сўм оламан. Иккинчидан, ўқувчи имловий хатога кўзи тушганда оғринади. Ойлик маошинг буюрмасин, деб қаранади. Китоб ўқувчида нафрат уйғотмаслиги керак”, деганди ўшанда. Акам шеърларининг “яғриғини” чиқариб ишларди. Мен эса, ялқовлигимдан уялардим. Бугунги ноширликнинг ахлоқини юқоридаги ҳолатдан кўриб турибсиз. Нашрдан чиқаётган китобларни назорат қилувчи мутасадди идоралар бордир? Хозир нима кўп, нашриёт кўп. Ноширлар асар мазмуни билан деярли қизиқшмайди. Пул бўлса, бас. Олд-ортига қарамай чоп этишаверади.

Яқинда бир каламқаш янги китобчасини кўлимга тутди. Не ҳафсала билан ўқийки, имловий хатолар гўж-гўж. Жумлалар ҳам оёғи осмонда: қизил рука билан “қон”га бўяб, кўлига тутдим. Бечора хижолат чекди. Айбни муҳаррирга ағдарди. “Ўзинг ҳам айбдорсан, хозирги муҳаррирлар китобга кўз югуртиришдан эринишади. “Ўлиб кетмайди, така бўлсин сут берсин” кабилида пинак бузишмайди”, дедим.

Албатта, бу гаплар эгаларини топади. Масъулиятсизлик, китобхонга хурматсизлик шунча бўлурми, хай-хай.

Китоб дўконидан китоб харид қилганда олд-ортига қараб олинг. Йўқса, “Book media nashr” нашриёти ноширлари каби ҳаракатлар давом этса, Гётени ҳам таржимонсиз — ўзбекчада ўқиб қолсақ, ажабмас?!  
Ўроз ХАЙДАР,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

Ўзбекистон Ёшлар театрида қўйилган “Йўл ҳаракати қондаларини қандай ўрганамиз” номли спектаклини ўсмир болалар кизикиб томоша қилишмоқда. Мухими шундаки, ушбу томоша театр қошида ташкил этилган студия катнашчилари — роль ижрочилари учун актёрлик маҳоратидан ўзинга хос имтиҳон вазифасини ўтади. Пьеса ва кўшиқлар муаллифи, постановкачи режиссёр, либретто раҳбари Камилла Абдурахмоновнинг ёш экани, кизикувчанлиги, янгиликка ўчилиги ҳам спектаклнинг сахнага қўйилишида муҳим роль ўйнаган. Ушбу томоша янги мавсум бошлангандан буён биринчи тақдирот бўлса, яқинда иккинчи спектакль муҳлислар эътиборига ҳавола этилди.

Мазлумки, атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз театрларида адибнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган асарлар, унинг роман, повестлари, хикоялари асосида спектакллар сахналаштирилмоқда. Ёшлар театрида ҳам А.Қодирийнинг “Улоқда” ва “Тошўлат тажаниб нима дейди?” хикоялари асосида “Кўк бўри” номли спектакль томошабинларга тақдим этилди. Ушбу таваллодий эмаслигининг сабаби шундаки, адибнинг бу асарида катта ҳаётга қадам қўяётган ёш йигитнинг тақдирини, унинг ҳаёт йўлларидаги изланишлари каламга олинган. Мухими шундаки, режиссёр бугунги кунда кўпчиликни ҳаяжонга солаётган: ёшлар қандай шаклланади, улар қандай маънавий булоқлардан сув ичадилар, деган саволларга муаллиф матнидан жавоб топишга муваффақ бўлган.

Спектакль қиска кириш қисми билан бошланиб, сахнага шахд билан томоша қаҳрамонлари чиқиб келади. Улар орасида асар қаҳрамони Турғунбой ҳам бор. У тўғри йўналиб, томошабинга шундай мурожаат қилади: “Сиз хозир ёзувчи, романивас, ҳақиқатларвар, комусий ижодкор, ўзбек адиби Абдулла Қодирий хикоялари асосидаги спектаклини томоша қиласиз”. Шубҳасиз, самимиятга йўғрилган бу гаплар тезда томошабин эътиборини тортади. Зеро, бу гапларни залда ўтирганлар билан деярли тенгдош ёшлар сахнадан айтапти. Муаллиф билан бирга маънавий-ахлоқий муаммоларга дуч келган режиссёр шунга мос сахнавий шакл топишга, драматургик

УЛҒАЙИШ

материалнинг ички поэтик манбани очиб беришга ҳаракат қилади. Сахнада ҳаракатланувчи тўсиқлар, кублар қўйилган, тепадан қаҳрамон отда кетаётган чавандоздек таассурот қолдириши учун бир текис тебранишга ҳизмат қилувчи арқонлар туширилган. Режиссёр мусика ва ҳаракат бирлигига интилади ҳамда актёрлар ансамблининг пластик уйғунлигига эришади. Шу тарика актёрлар катти-ҳаракатига най, сато, гўж-жақ оҳанглари жўр қилган тарзда хурсандчилик ва ғам-ташвиш ҳолатларини ифодалашга эришади. Бутун сахна саҳна бўйлаб кечаётган воқеликлар фондида актёрлар қиёфаси аниқ ажралиб туради. Олдий ва аниқ декорацияларга асосланган мизансаҳналар алмашинуви низохта тез кечади. Пластик мизансаҳналар, ҳолатлар, ҳаракатлар орқали режиссёр хар бир образга тавсиф беради, персонажларнинг ички ҳиссиёти, ҳолатини кўрсатишга ҳаракат қилади. Шу тўғрйли ҳам низохтада мураккаб

сахнавий ҳолатлар, ички эхтирослар, қучли ҳиссиётлар ҳосил қилишга эришади. Оқибатда, юзага келган поэтик шакл нутқий вазиятларнинг кўрими бўлишини таъминлайди. Бунда, шубҳасиз, актёрларга аниқ, ишонарли, уйғун ҳаракатларни, пластик вазифаларини баъравар баҳарлини ўргатган балетмейстер А.Тренинанинг хизматлари катта. Персонажлар сахнада қаҳрамон билан фақат сўзлашмайдилар, балки ҳаракат қиладилар, воқеаларга ўз муносабатларини билдирадilar. Айни пайтда томошабинни ўй-фикрларига, ҳиссиётларига ошно қиладилар.

Турғунбой ролини ижро этган театрнинг ёш актёри Дониёр Раҳматов иккита вазифани бажаради: ҳам хикоячилик қилади, ҳам чавандоз бўлишни, байрамдаги улоқда катнашиб, ғолиб чиқишни орзу қилаётган ёш йигит образини яратди. Бу образда болаларча соддалик, ўтрилик, ҳиссиётга берилувчанлик ва ўзарлик, ростўйлик ва ишонувчанлик кўзга ташланади. У байрамни қутиб яшайди, тайёранлади, тиришқоқлик билан отини ҳам ҳозирлаб боради, оҳорли кийимлар кияди. Турғунбойнинг мусобақа олдидаги ҳаяжонларини актёр низохтада олдий, осон, шу билан бирга, ишонарли намоён этади. Энг юксак нуктада, отлар йиқилган чавандозни топтаб ташлаганда сахна воқеаларининг ички драматизми кучаяди. Томошабин Турғунбойнинг йиғламсираб айтган сўзларини эшитади: “Бундай бўлиши мумкин эмас! Бундай бўлмаслиги керак! У яхши инсон. У яшаш керак!” Ушбу муҳим сахнада режиссёр мусика, товуш қатори, пластиканинг уйғунлигига эришади. Ғичир-ғичир товушлар, ур-йикит, бесаранжомлик, тез такрорланувчи ва сескин

музыка бир-бирини рад этувчи турли кайфиятни юзага келтиради. Кейин сахнада сокинлик юзага келади. Бу сокинликда вужудга келган вазиятнинг фожையи ҳолати яққол сезилади. Ушбу ҳолат қаҳрамонлар ва ҳаракатдаги шахсларнинг қотиб қолган қиёфаларида ҳам ўз аксини топади. Фақат бир савол бор: чавандоз тирик қоладими ёки ўладими? Бу савол айни пайтда бирор нарсга қилишга ёки вазиятни шунчаки ўзгартиришга иложсиз бўлган қаҳрамонлар ҳаёлида ҳам муаллақ туради.

Хотинида эса, ўлим олдида инсон қанчалар ожиз эканини тушунганидан қалби оғриган, азоб чеккан актёр Дониёр Раҳматовнинг қаҳрамони ҳаёлини жамлаб олган босиқ қиёфада намоён бўлади. У томошабинлар кўз ўнгига улагайди. Ҳаёт уни танловга рубор қилади ва у барибир орзусига содиқ қолади. “Мен мусобақаларда катнашман, ҳақиқий йигит бўламан”, дейди бор овозда ўзарлик билан. Айнан мана шу — вазиятни енгишга интилиш, тақдир зарбаларини муносиб қутиб олишга тайёр туриш қаҳрамонни ичдан ҳаракатлантириб туради.

Ёшлар театри, назаримизда, поэтик тугал спектакль намоиши эди. Актёрлар режиссёр чизиларига аниқ итоат қилиб, уни эркин ва осон бажарганлар. Зеро, режиссёр О.Абдурахмонов насрий асари театрнинг замонавий воситалари орқали талқин қилиш борасида қизиқарли тажрибани намоиш қилди. Бетақор ёзувчининг адабий матнида баён қилинган инсон тақдирини кўрмас сирини тушунишга ва очиб беришга муваффақ бўлди.

Муҳаббат ТўЛАХҲАЕВА,  
санъатшунослик фанлари  
доктори, профессор

ЖУЛҚУНБОЙ

Абдулла Жодирий меросидан

## БИЗ КИМ ВА НИМАЛАРДАН ҚЎРҚАМИЗ?

Ҳажвия

Хар кимнинг ўзига яраша қўрқатурган нарсаси бўлади. «Иштонсининг чўлдан хадуги бор», дегандек, шу вақтда иштонлик инсон — хадуксиз одам, эҳтимол, йўқдир. Туркистон истатистика идорасининг кейинги йилга ҳисобига қараганда, иштонсизлар банаъжи<sup>1</sup> кўпайибдиларки, биз уларни айнан қуйида кўчирамиз:

Мустанлакачи — аччиқланган чоғида сирининг очилишидан қўрқадир.

Хар турлук идора мудирлари — сайлов яқинлашса, мансабдан тушиб қолишдан қўрқадирлар.

Янги кўз очкан ҳисобсиз ўзбек шоирча ва шоирачалари — минг машаққат билан азобланиб ёзган шеърларининг газеталарда босилмай қолишидан қўрқадирлар.

Тутантируксиз мақола ёзишга ўрганган муҳаррирлар — тўсундан тегиб қолатурган танқид калтагидан қўрқадирлар.

Бой ва совдагарлар — айниқса, буларнинг қўрқунчалари поёнсиздир... Чунончи: дўкон совдаси яқинлашса, ижарани ошириб юборатурган яқинчилардан<sup>2</sup> қўрқадирлар, қўлларига кўпроқ пул йиғилиб қол-

са, моллар ошиб, пул курсининг тушиб кетишидан қўрқадирлар, қўлида анчайин қоғоз кўтарган кишини кўрсалар «торғовий налўт» тушмоғидан қўрқадирлар, рўза ойи кириб закот бериш<sup>3</sup> эска тушса, моллар ҳисобини олишдан қўрқадирлар... Хар ҳолда, бу дуркум халқ учун ер ҳам қўрқунч, қўқ ҳам қўрқунч. Фақат коро ернинг остигина тинчдир!

Камбағал деҳқон ва ишчилар — кун сайин бозор баҳосининг бирга бир кўтарилишидан қўрқадирлар.

Хукумат идораларидаги порахўрлар — порахўрлик билан кураш бошлангандан бери ўзларининг сояларидан ҳам қўрқадирлар.

Кўкдаги булутлар — ёғмай деса Худонинг буйруғидан, ёғай деса ердаги махлукларнинг чиртинг-пиртингидан қўрқадирлар.

Ўзбек хотунлари — эрларининг калтагидан, қизлари кўчага чиқай деса, оналарининг туртуғидан қўрқиб, пеллар моховдан, моховлар пелдан, аживалар тараладан, таралалар аживадан; қисқаси, катта-кичик, ясси-япаски, кингир-кийшиқ, узун-қисқа ҳаммалари ҳам қўрқоқдилар...

Ман нима ва кимдан қўрқаман?

Айниқса, маним ишим жуда ҳам қийин: ёзай десам, ошна-оғайнининг шўртмушқлиғидан, ёзмай десам, «Муштум» поччанин жекригидан қўрқаман.

Яна бундан бошқа қўрқатурган иқир-чиқирларим: — Эски шаҳар кўчаларидан юрсам, бетимга лой сачрашдан қўрқаман.

— Ёғмур ёққан кунларида Эски шаҳар расталарининг ағнаб кетишидан, совдагарларнинг тўнгуз кўпишидан қўрқаман.

Билим юртлари ёнидан, бошланғич мактаблар қаршидан ўтуб қолсам, истикболдаги алвир-шалвир ўзбек маданиятидан қўрқаман!

Хар ҳолда, маним ҳам қўрқунчаларим ўзимга етарлик... Ассалому ала маниттабаъл-худа.

«Муштум» журналининг 1923 йил 1 май, 7-сонидан.

<sup>1</sup> банаъжи — бачабир (форсча), бир неча.

<sup>2</sup> яқинчи — инспектор; порахўр.

<sup>3</sup> закот — шариат ҳукми бўйича пулдор, молдор мусулмоннинг ўз моли ва пулининг қирқдан бир улushi миқдорида рўза вақтида бева-бечораларга, камбағалларга берадиган хайр-садақаси.

Уша йиллари мамлакатда пул қадрсизланиб, нарх-наво кўтарилиб кетган эди, муаллиф шундан киноя қилляпти.


Аслиятдан таржима

Ефим ЭТКИНД<sup>1</sup>

## БИЗ ШУНДАЙ ЯШАГАНМИЗ

Ҳикоя

Кимдир эшикни тақиллатди. Мен йўлак охиридаги юз-қўл ювгични тўсиб турадиган парда ортдан ташқариға кўз ташладим-да, қичқирдим: «Ҳозир, ҳозир... Афв этасиз!» Институт йўлаги ярим қоронгу эди, мен яна бир марта совун кўпиғи суртилган юзимни унга кўрсатиб, бу сафар яхшилаб қарадим: эшигимда қўқ погонли харбий гердайд турарди. «Бироз шоймай туринг!» — дея тақрорладиму куним битганига иқроор бўлдим. «Соқолингизни ола қолинг, кутиб тураман...» — деди дона-дона қилиб харбий ва дераза тоқчасига ўтирди.



Машъум 1951 йил ўтиб бораётган эди; рус зиялилари устига террорнинг янги тўлкини босиб келганди. Бу гал бутун диққат-этибор яхудиёларга қаратилди: улар ҳамма жойда катағонга олиниб, «ифлос дайдилар», беватан космополитлар, ватан хоинлари деб аталди — уларга қаратилган барча ҳақоратлар «жид»<sup>2</sup> сўзининг синонимини бўлиб хизмат қиларди. Кўпчилик ҳибсга олинди, асосий айблов эса, шундай янгради: «Буржуа миллатчилари». Ўша пайтда суд ҳукми билан берилган қамок жазоси муддатларидан ҳеч ким ажабланиб ўтирмади — ўн йилми ёки йигирма беш йил. Ҳамма дўстларини қамокка тикиб бўлишди: Ахилл Левинтон — ўн йилга, Илья Серман — йигирма беш йилга, унинг рафиқаси Руфь Зевина — ўн йилга. Барчамизнинг устозимиз ва қадрдонимиз Григорий Александрович Гуковский турмада — тергов қилишгаётганда жон берди (бу ҳақида бизга миш-мишлар эмас, аниқ хабар келганди), унинг укаси Матвей, тарихчи, қамокда ўтирганди. Мен хар лаҳзада тинтув ва ҳибсга олиш учун ордер кўтариб келадиганларни кутиб ҳадиқда яшадим, аммо уларнинг пайдо бўлишига уйимда, Ленинградда шай турганман. Бу ерда, Тулада эса, огоҳликни бироз йўқотдим; бизга марказдан олисдаги педагогика институти хавфсиздай кўринганди. Адашбман: мана шу ерда, мана шу эшик ортида менинг машъум қисматим кутиб турар эди. У қўқ погон тақдан йигитча қиёфасида пайдо бўлди. Йигирма беш йиллик қамок ҳукми — бу ўлим деган гап. На афв этишлари, хатто на совет тузумининг барбод бўлиши ҳаёлимга ҳам келмаган эди.

Йўлак охиридаги парда ортида нафақат юз-қўл ювгич, балки Туладаги ҳамқасб дўстим Александр Петрович Кажданнинг хонасига ўтиладиган эшик ҳам бор эди. Эшикни бекитмаган экан — буни омадга йўйдим. Стол ёнига ўтдим-да, хотиним ва онамга видео мактубимни ёза бошладим: «Азизларим, қандай йўл тутишни ўзингиз яхши биласиз. Қизчаларимни асранг — балки, агар дейдор насиб этиб қайтсам, мени таний олишар. Ахир, Маша катта қиз бўлиб қолди-ку, бешга кирди, унинг отаси сифатида омон қолишга ҳаракат қиламан». Хотинимга эса, қизчамизни олиб, зудлик билан чет қишлоқлардан бирига қочиб кетишни маслаҳат бердим: омонликнинг биргина йўли шу экани ҳаёлимдан ўтди: «Ҳамма китоб, жиҳозларни қўй, уйлама, ўзингни ва болаларимизни асра». Онамга қўлимдан келганча таскин бердим: унинг яна икки ўғли борлигини, жон-дилдан севадиган набираси Гриша ёнидалигини таъкидладим. Кейин Кажданга ҳам бир-икки оғиз сўз ёзиб қўйдим: «Алвидо, балки яна қачондир...». Бу хатларнинг ҳаммасини унинг ёстиғи остига яширдим. Кейин юзимдаги совун юқини артиб, ўзимни хотиржам, мардона кўрсатишга ҳаракат қилиб, эшикка йўналдим. Давлат хавфсизлиги лейтенанти мени қарши олиш учун юқорига кўтарилди, мен эшикни очиб, уни ичкарига таклиф қилдим: «Киринг». У мени олдинга ўтказиб, остонага қадам қўярган, секинлаб, деди:

— Афв этинг, уйингизда ҳам қўймаганим учун, сиртдан ўқийман, бутун уйга кетишим керак эди...

Остонадаёқ юрагим тарс ёрилиб кетди деди — дор остидан ҳаёт кучоғига қайтиш мулкка уялимаганда содир бўлди. Аммо мен ўлмадим, худди ҳеч гап ўтмагандай ундан сўрадим:

— Сиз... бутун имтихон топширмакчимисиз?

— Ҳа, ҳа, бутун — уйга тезроқ кетишим керак... Тайёрланиб келдим, ҳаммасини ўқиб чиқдим...

Мен бир соатдан кейин учинчи қаватдаги ўқув хоналаридан бирида синов олишни тайин қилдим. Ҳозиргина қўқ погонли йигитчаниннг сўзсиз ҳукми билан қурбонликдай бўшим кунда устида турган эди. Энди қўрқимки, унга мен ҳукм ўқишим керак экан: демак, ҳали қамокдаги тутқун эмас, доцентман. У, давлат хавфсизлиги лейтенанти эса, рўпарамда қўрққангидан дудуқланар эди.

Йўқ, мен хозиргина парданин ортида ўтган сочимни оқартириб юборгудай ўн дақиқа учун қасос олмадим. Унинг жақибини сабр-тоқат билан эшитиб, тўрт баҳо қўйган, Тула кўчалари бўйлаб сайр қилишга чиқиб кетдим. Қўксимни тўлдириб, тўйиб-тўйиб нафас олдим — озоллигимдан масрур эдим.

Рус тилидан ХУМОЮН таржимаси

Ефим Григорьевич Эткин<sup>1</sup> (1918-1999) 1974 йилдан Францияда муҳожирликда яшаган рус филолог, адиб.

Сўзлар билан сўзлашув

## ТОВУК ТУВДИ

«Товук тувди» деган гапда товушлар уйкашлиғи мени ажаблантирди. Шунда ҳаёлимга «товук» сўзининг ўзи «туғиш» маъносиди «тув» сўзидан келиб чиқмаганмикин, деган фикр келди ва бу сўзнинг изидан тушдим. Махмуд Кошғарий бу сўзни «такук» шаклида қўллаган ва «такук — туркман тилида товук» деб изоҳ берган. Туғиш маъносиди «тув» сўзи жуда қадимий сўз. Туркийлар тилида, шумерлар тилида ҳам бу сўз азалдан бор. «Товук»даги «-ук» кўшимча, худди «ёзуқ» (гуноҳ), «килик» сўзлариди каби кўшимча. Яъни «ёзуқ» сўзи илдизи «йаз» — «ёмонлик қил» деган феълига ва «килик» сўзиди «кил» феълига «-к» («-ук») кўшимчаси қўшилиб, от ясалляпти. Шундан келиб чиқсақ, «товук» ҳам дастлаб «тувук» бўлгандир, эҳтимол. Шу ўринда тилшунос Д.Бозоровнинг бир фикрини келтириб ўтиш жоиз деб биламан. Унга кўра, «товук» сўзи асли «такук» бўлган ва бу сўз «так» товущига таклидан пайдо бўлган. Бу ҳам асосли фараз. Чунки товук донлаётганда «так-тук» қилиб донлайди. Қолаверса, бу Кошғарийда келган «такук» сўзига яқин. Кошғарий хўрозни «эркак такағу» деб ёзган.

Тилимизда товук билан боғлиқ иборалар кўпроқ киноя ва дақки парласида келади. Масалан: товук мия, думи юлинган товукдай, оёғи куйган товукдай қабилар. Навоий ҳам «Товукнинг таъмадан оғзи тинмагани учун унинг маскани катак зиндонидир» деган.

## КАТАК, ХАТАК ВА УКРАИНЧА ХАТА

Товуқлар яшайдиган уйчани катак деймиз. Бу сўзнинг бошқа маънолари ҳам бор-ку, лекин ҳозирча паррандалар яшайдиган жой мазмунидаги маъноси устида тўхталамиз. Тилимизда «катак» сўзи «хатак» шаклида ҳам қўлланади. «Алломиш» дostonида Қалмоқдан қайтган Алломиш Қултой кўринишида келиб, Ултонтознинг энаси Бодом Бикач билан айтишув қилганида шундай деган экан:

Мендайларни сен олмасанг  
Патагинга, ёр-ёр,  
Сақсиз хўроз бирдан қамай  
Хатагинга, ёр-ёр.

Болалигимизда катталар болаларни «Уйингга жўна» деб эмас, «Қани, катагинга жўна», деб уришишарди.

«Ўзбек тилининг этимологик луғати»да изоҳланишича, бу сўз «ўтириш», «ётиш» маъносини англатадиган тожикча «кат» отига қичрайтириш мазмунидаги «ак» кўшимчаси қўшилишидан ҳосил бўлган. Лекин «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га кўра, форсийда «кат»нинг «тахт», «кенг ёғоч курси», «кенг ёғоч қаравот» деган маънолари ҳам бор. Барибир, буни ҳам ўтириш ёки ётиш мазмуни яширинган.

Мени кўпроқ бошқа нарсани кизиқтиради. Яъни ўзбек тилидаги «хатак» сўзининг украинча «хата» сўзига шакл жиҳатдан жуда яқинлиги... Бу сўзлар фақат шакл жиҳатдан эмас, маъно жиҳатдан ҳам яқин. «Русча-ўзбекча луғат»да «хата» сўзига «хата, кулба (Украина, Беларусия ва Россиянинг жанубида: дехқон уйи) деб изоҳ берилган.

Қизиғи шундаки, манбалар асосан «хата» сўзини қадимги хунгар тилидан келган деб изоҳлашади. Бу сўз қадимги хунгар тилидан поляк тилига «chata» бўлиб ўтган, кейинроқ украин тилига ҳам ўтган. Хунгарлар туркий халқ. Чукчилар тилида ҳам хатани «хатуюн» дейишади. Баъзи манбалар «Авесто»да «ката» сўзи уй, ертўла маъноларини англатиши ҳақида хабар берадилар. Мен кўп йиллар бурун Китооб туманида адирдаги тепалик бағрида одамлар яшайдиган ертўлалар қилинганини кўрганман.

Хуллас, «катак», «хатак» ва «хата» сўзлари битта илдизга эга бўлиши мумкин.

Эшқобил ШУКУР

Ватаним

Ватан — танамдаги жоним,  
Заминимнинг зар сайқали.  
Ватан — кўнглимдаги орим,  
Осмонимнинг чакнари ойи.

Ватан, мангу бешигимсан,  
Онам севиб алла айтган.  
Ватан, очик эшигимсан,  
Ғаним киролмайин қайтган.

Ватан, борим, баҳоримсан,  
Пойинг мисли жаннатдур.  
Ватан, қароғимда дурсан,  
Сенсиз қуним ғафлатдир.

Аёл

Ғунча гуллар ифорида,  
Яралган паризодам,  
Шабнамларнинг томчисидан  
Бунёд бўлган маликам.

Сен сеҳрсан жуда сирли,  
Ёногингда ёнар юз.  
Сен меҳрсан бирим нузли,  
Дудоклари хуш, нафис.

Сен қуёшсан — мангу оташ,  
Ёлдирувчи оламини.  
Аммо гоҳо дийданг тош,  
Қаҳринг эзар одамни.



Сен сулувеан, сунбул гули,  
Алвон, анбар, хушрўй гулим.  
Заминдан то самоғача,  
Ўзи битта ёнар гулим.

Гулчехра ДУРДИЕВА



ВАҚТ

Вақт. Унинг йўлига ҳеч қандай куч тўсиқ бўла олмайдми. У гулни ҳам, тиконни ҳам, ёшни ҳам, кексани ҳам домига тортаверади. Бу жиҳатдан у ўз эгизига — ўлимга ўхшайди. Фақат улар орасида битта фарқ бор: ўлим имконият бермайди. Вақтнинг имконият даражаси шундайки, унинг кейинги дақиқалари бор.

КИБР

Тоғдан ажралиб чиқаятган тош: «Мен ҳаммадан зўрман! Мен тоғнинг боласиман! Ҳаммаани эзиб ташлайман!» дея пастга назар солди. Аммо ҳеч қанча фурсат ўтмай тоғдан ажралган, оддий тошга айланган, атрофида эса ҳеч ким қолмаганди.

ЭШИК

Омборнинг эшиги хар гал очилиб-ёпиллаверганидан гижирлайдиган бўлиб қолган эди. Уни мойлаб қўйишди. Шу-шу жим бўлди.

ОНА ЕР

Тупроқ азиз, тупроқ муқаддас. Лекин у шу қадар ҳоқор ва сабрда. Ҳаммаани бирдек қафтида кўтариб тураверади. Бизга эса унинг ҳиммати чексиз. У эса хазиналарини очаверади, очаверади... Лекин... қачонгача?!

СОЯБОН

Она фарзандининг бошида тонлар оттирди. Кексайганида бошида фарзандлари тонлар оттиришди. Ота изғиринлар, жазирамалардан фарзандларини химоя қилди. Соч-

лари оқарди, белидан қувват кетди. Бугун унинг букилган, жазирама ва изғиринлар қаршида ожиз танасига ўғиллар соябон. Кошқийди, хамиша шундай бўлса...

ИЛДИЗ

Соёси кенг, танаси бақувват дарахт кимингидир ғашига теғди чоғи, кесиби ташлашди. Илдизларидан янги ниҳоллар ўсиб чиқмасин, дея тўнқасини ҳам қавлаб олишди. Ўрнига бошқа дарахт экишди, аммо у кўкармади.

Орадан йиллар ўтди. Кесилган дарахт ёнидан янги ниҳол ўсиб чиқди. Ҳеч қанча ўтмай, авж олиб ўса бошлади. Кўпни кўрганлар мамнун жилмайишди: «Илдизи бақувват дарахтни йўқотиб бўлармиди?»

Карима БЕГИМ

Фаргона



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЙОТИ ВА SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЕЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:



Бош муҳаррир  
Салим АШУРОВ

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42

Тахририятга келган кўлэмалар тахлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган.  
Адади - 5622. Буюртма Г - 1255.  
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.  
Нашр кўрсаткичи - 222.  
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 2 16

Сағват бўлими: 233-56-40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Боснига топшириш вақти - 21.00.  
Боснига топширилди - 23.15.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2353-634X



772383 634000

Нашр ва наср бўлими: 233-58-60